

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИ

## УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИ

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 32]

СанҚваН 0017-21-сон

### Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (кейинги ўринларда — санитария қоидалари) Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «**Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги ва 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «**Софликни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги қарорларига мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида (кейинги ўринларда — таълим муассасалари) ўқувчиларнинг хавфсиз ва соғлом овқатланишини ташкил этиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ҳамда овқатдан заҳарланишларнинг олдини олиш чораларини белгилайди.

#### **1-боб. Таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ҳамда овқатланиш хоналарининг жойлашиши, режалаштирилишга оид санитария-эпидемиологик талаблар**

1.1. Таълим муассасаларининг ошхоналарини режалаштиришда — пазандачилик маҳсулотларининг хавфсиз тайёрланиши, озиқ-овқат қиймати сақланиши ва уларнинг хавфсиз тарқатиш имкониятини берадиган маҳсулотларга ишлов бериш махсус хоналари, технология, ускуна ва жиҳозлар мажмуаси кўзда тутилади.

1.2. Буфетларни режалаштиришда — пазандачилик маҳсулотларининг хавфсиз тарқатиш, иссиқ ичимликлар ва алоҳида таомлар тайёрлаш (яъни тухум қайнатиш, салат тайёрлаш, тайёр озиқ-овқат маҳсулотларни бўлаклаш) имкониятини берадиган махсус хоналар, технология, ускуна ва жиҳозлар мажмуаси бўлиши шарт.

1.3. Таълим муассасаларидаги овқатланиш хоналарини режалаштириш — хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар билан тайёр маҳсулотларнинг, тоза ва ишлатилган идишларнинг, ходимлар ва ўқувчилар оқимининг бир бирига тўқнашишининг олдини олишга қаратилган санитария-эпидемиологик талабларга мувофиқ келиши керак.

1.4. Хўжалик ва қўшимча хоналар умумий овқатланиш ташкилотларига қўйиладиган гигиеник талабларга риоя қилган ҳолда гидроизоляция билан таъминланиб, ертўла, ярим ертўла (цокол) ва пастки қаватларда жойлаштирилиши мумкин.

1.5. Ертўла, ярим ертўла (цокол) ва пастки қаватларда жойлашган озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шароитларига қўйиладиган талабларига риоя қилган ҳолда ва гидроизоляция билан таъминланган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин.

1.6. Хўжалик худудида майший ва озиқ-овқат чиқиндиларини йифиш учун қаттиқ қопламали майдон ташкил этилади. Мазкур майдонда қопқоқли алоҳида контейнерлар жойлаштирилиб, контейнер тагининг майдони ҳамма томондан 1 м дан ортиқ ўлчамда бўлади. Майдонча билан ошхонага, шунингдек, бошқа бинолар, иншоатлар, спорт майдончаларига кириш жойи ва деразаларигача бўлган оралиқ масофа 25 метрдан кам бўлмайди.

1.7. Чиқиндилар контейнерини 2/3 ҳажмидан ортиқ қисми тўлмаган ҳолатда марказлаштирилган тартибда олиб кетилади ҳамда бу контейнерлар ювилиб, зарарсизлантирилади. Чиқиндиларни ёқиб юборишга йўл қўйилмайди.

## **2-боб. Таълим муассасалари овқатланиш хоналарининг санитария-техник таъминотига қўйиладиган талаблар**

2.1. Ичимлик суви, иссиқ сув, канализация, вентиляция ва иситиш тизимлари умумий овқатланиш корхонларига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларга мувофиқ таъминланади.

2.2. Озиқ-овқат маҳсулотларини ювиш ва тайёрлаш технологик жараёнларида, ошхона ва овқат тайёрлаш идишларини, ускуналар, асбоб-анжомлар, хоналарни санитария тозалаш ва шахсий гигиена учун сарфланадиган иссиқ ва совуқ сувнинг сифати ичимлик сувига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартига (O'zDSt 950:2011) мувофиқ келиши керак.

2.3. Барча ишлаб чиқариш цехларига совуқ ва иссиқ сув ўтказилган чиғаноқ ва ванналар ўрнатилади. Иссиқ сув таъминоти қозонхоналари, узатиш тизимларида профилактик ва таъмирлаш ишлари кетаётган вақтда ишлаб чиқариш цехлари ва ювиш бўлимлари узлуксиз иссиқ сув билан таъминланиши учун қўшимча маҳаллий иссиқ сув мосламалари ўрнатилади.

2.4. Овқатланиш залига киришда 20 та ўрин учун 1 та кўл ювиш чиғаноғи ўрнатилиши, уларни ўқувчиларнинг ёш ва бўй кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, 1 — 4-синф ўқувчилари учун полдан чиғаноқ чеккасигача 0,7 м, 5 — 11-синфлар учун 0,8 — 1,0 м баландлиқда ўрнатиш тавсия этилади. Кўл ювиш чиғаноқлари ёнида электр қуритгич (камидаги 2 та) ёки бир марталик сочиқлар ўрнатилиши назарда тутилади.

2.5. Марказлашган сув таъминоти йўқ бўлиб, булоқ сувидан фойдаланилганда сифим (каптаж) билан жиҳозланади. Ичимлик суви ташиб келинадиган таълим муассасаларида сувни сақлаш учун ҳар бир ўқувчига кунига 5 литр сув сарфи инобатга олинган ҳолда ҚМК 2.04.01-98 «Бино ичидаги водопровод ва канализация» асосида маҳсус сифим қурилади.

## **3-боб. Жиҳозлар, ускуналар, инвентарлар, идиш-товоқ ва сифимларга қўйиладиган талаблар**

3.1. Фойдаланилайдиган технологик ускуна, жиҳозлар, идиш-товоқ, яшик-қоплар ва сифимлар умумий овқатланишнинг санитария-гигиеник талабларига мос бўлиши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш, маҳсулот сақлаш ва маъмурий-маиший хоналарни [1-иловага](#) мувофиқ жиҳозлаш тавсия этилади.

3.2. Ишлаб чиқариш хоналарини жиҳозлашда замонавий совуткич ва технологик ускуналарнинг афзаллигига аҳамият берилади.

3.3. Ишлаб чиқариш хоналарига ўрнатилган барча технологик ускуналар ва совуткич соз ҳолатда бўлиши керак.

Бирор технологик ускуна ишдан чиқсан тақдирда таомномага ўзгартиш киритиш ҳамда тайёр таомлар ишлаб чиқаришда мазкур санитария қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш зарур.

Ҳар ўқув йили бошланишидан олдин ускуналарнинг паспорт тавсифномаси мослиги бўйича техник назорат ўтказилиши шарт.

3.4. Овқатланиш заллари ошхона мебеллари (стол, стул, ўриндиқ ва бошқа мебеллар) билан жиҳозланади, улар ювиш ва дезинфекция воситалари билан тозалашга имкон берувчи қопламага эга бўлиши керак.

3.5. Озиқ-овқат хом ашё ва маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган столлар ювиш ва дезинфекция қилиш воситаларига чидамли қопламага эга бўлиши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган материаллар хавфсизлиги талабларига мос келиши лозим.

3.6. Озиқ-овқат хом ашё ва маҳсулотлари, идиш-товоқ ҳамда инвентарлар сақланадиган жавон, тагликлар полдан камидаги 15 см баландлиқда бўлиши керак. Жавон ва

тагликлар конструкцияси ва жойлаштирилиши намлаб тозалаш имконини бериши лозим. Овқатланиш хоналари омборларида кўп қаватли жавонлар ва механик юк ортгичлар бўлиши тавсия этилади.

3.7. Умумтаълим муассасаларининг ошхоналари бир ўринга камида икки жамланма ҳисобида ошхона идиш-товоқлари билан таъминланади.

3.8. Овқатланишни ташкил этишда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб берадиган чинни, фаянс ва шиша идишлардан (тарелка, коса, пиёла, чашка, бокаллар) фойдаланилади. Таомларни пишириш ва сақлаш учун ошхона ускуналари идишлари (қошиқ, вилка, пичноқлар) зангламайдиган пўлат ёки гигиеник хусусиятларига кўра шунга ўхшаш материаллардан тайёрланган бўлиши керак. Алюминийдан тайёрланган ошхона жиҳозларидан фойдаланиш тақиқланади.

3.9. Хом ашё ва тайёр маҳсулотларни алоҳида сақлаш, уларни технологик тозалаш ва тарқатиш учун мажбурий тартибда алоҳида ва маҳсус белги қўйилган қўйидаги жиҳозлардан, тақсимлаш инвентарлари, ошхона идишларидан фойдаланилади:

совутгич ва музлатгичлар: «ХГ» — хом гўшт; «ХС» — хом сабзавотлар, «ПГ» — пишган гўшт, «ПС» — пишган сабзавотлар, «Г» — гастрономия ва ҳ.к.;

озиқ-овқат хом ашё ва маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган столлар: «ХГ» — хом гўшт; «ХС» — хом сабзавотлар, «ПГ» — пишган гўшт, «ПС» — пишган сабзавотлар, «Г» — гастрономия, «Н» — нон, «Х» — хамир ва ҳ.к.;

озиқ-овқат хом ашё ва маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган тахта ва пичноқлар: «ХГ» — хом гўшт, «ХС» — хом сабзавотлар «ПГ» — пишган гўшт, «ПС» — пишган сабзавотлар, «Г» — гастрономия, «Н» — нон;

ошхона анжомлари (қозонлар, тавалар, челаклар ва ҳ.к): «I таом», «II таом», «III таом», «сут», «ХГ», «ХС», «ПГ», «ПС», «ёрма», «шакар», «творог», «мевалар», «тоза тухум», «гарнирлар», «Н», «З», «Салат» ва ҳ.к.

3.10. Таомларни порциялаш учун литр ва миллилитрда ўлчов белгилари қўйилган инвентарлардан фойдаланилади.

3.11. Шакли бузилган, четлари учган, синган, ёриқ, эмали қўчган ошхона идишлари, алюминийдан тайёрланган ошхона жиҳозлари, пластмасса ва прессланган фанерлардан қилинган ишлов бериш тахталари, ёрилган, шикастланган ва майда тахта жиҳозларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

3.12. Иссик овқат ва салқин салатларни етказиб беришда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб берадиган материаллардан тайёрланган маҳсус изотермик идишлардан фойдаланилади.

3.13. Маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар нисбий намлиқ ва ҳаво ҳароратини ўлчайдиган ускуналар, совутиш ускуналари, назорат термометрлари билан жиҳозланади. Симболи термометрлардан фойдаланимайди.

#### **4-боб. Хоналарнинг тузилишига, санитария ҳолатига ва идиш-товоқларнинг ювилишига қўйиладиган талаблар**

4.1. Таълим муассасалари овқатланиш хоналарининг санитария ҳолати умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария-эпидемиологик талабларга мос келиши керак.

4.2. Таълим муассасалари овқатланиш, ишлаб чиқариш ва бошқа хоналари тоза ва тартибли бўлиши лозим. Озиқ-овқат маҳсулотларини полда сақлашга йўл қўйилмайди.

4.3. Овқатланиш залини тозалаш ишлари ҳар бир таом қабулидан сўнг бажарилади. Столлар ювиш воситалари ёрдамида иссиқ сувда ювилади. Тозалаш тугагандан сўнг ишлатилган латталар алоҳида идишга йигилади, камида 450С ҳароратдаги юувучи воситалар қўшилган сувда ивитилади, дезинфекция қилинади ёки қайнатилади, чайилади, куритилади ва тоза латтага мўлжалланган идишда алоҳида жойда сақланади.

4.4. Ошхона ичида ишлатиладиган идишларни таом истеъмол қилишда фойдаланиладиган идишлардан алоҳида ювилади.

Ювиш хоналарида идиш-товоқ ва инвентарларни ювиш қоидалари ҳақидаги йўриқнома илиб қўйилади, унда қўлланиладиган юувучи воситалар концентрацияси, ҳажми, ювиш ванналарида сувнинг ҳарорат режими кўрсатилади.

4.5. Ювиш ва заарсизлантириш воситалари ишлаб чиқарилган сифимида маҳсус ажратилган, ўкувчилар кирмайдиган, озиқ-овқат маҳсулотларидан алоҳида жойда сақланади.

4.6. Идишларни заарсизлантириш, атрофни йиғиштириш ва санитар тозалашда белгиланган тартибда, рухсат берилган ювиш, тозалаш ва заарсизлантириш воситаларидан уларни қўллаш йўриқномасига асосан фойдаланилади.

4.7. Ошхона идишларини ювиш ванналари белгиланган сифимга эга бўлиб, полимер ёки резина материаллардан ишланган пробка билан таъминланади. Ювиш ва заарсизлантириш воситаларининг миқдори белгиланган ўлчов сифимлари ёрдамида ўлчанади.

4.8. Ошхона идишларини икки секцияли ваннада ювишда қуйидаги тартибга риоя қилинади:

овқат қолдиқларидан механик тозалаш;

ювиш воситалари қўшилган ҳолда 45 °C дан паст бўлмаган ҳароратдаги сувда чўтка билан ювиш;

оқиб турган 65 °C дан паст бўлмаган ҳароратдаги иссиқ сувда чайиш;

панжарали полка ва қуригичларда тўнтарилган ҳолда қуритиш.

4.9. Ошхона идишлари маҳсус идиш ювиш машиналарида ювилганда, улардан фойдаланиш йўриқномасига асосланилади.

4.10. Таомларни истеъмол килишда фойдаланилган идишлар уч секцияли ваннада қўлда қуйидаги тартибга ювилади:

овқат қолдиқларидан механик тозалаш;

ваннанинг биринчи секциясида 45 °Cдан паст бўлмаган ҳароратда ювиш воситалари қўшилган сувда ёғсизлантириб ювиш;

эпидемик вазиятдан келиб чикиб, касалликнинг турига мувофик ваннанинг иккинчи секциясида ҳарорати 45 °C дан паст бўлмаган сувда, 0,5-1,0% хлор сақловчи заарсизлантириш воситаси қўшилган сувда 30 дақиқа ивitiш;

идишларни ваннанинг учинчи секциясида металл сеткага қўйилиб, эгилевчан шлангнинг ручкали пуркагичи ёрдамида 65 °Cдан паст бўлмаган ҳароратдаги оқар сувда чайиш;

чайилган идишларни панжарали полка ва қуригичларда қуритиш.

4.11. Пиёла, стакан, чашка, бокаллар каби ичимлик идишлари уларни ювиш учун мўлжалланган биринчи ваннада тозалаш воситаларини қўллаган ҳолда 45 °Cдан паст бўлмаган ҳароратдаги сувда ювилади; иккинчи ваннада металл сеткага қўйилиб, эгилевчан шлангнинг ручкали пуркагичи ёрдамида 65 °C дан паст бўлмаган ҳароратдаги оқар сувда чайиш; эпидемик вазият мураккаблашган холатда эса, идишларни заарсизлантириш ишлари ҳам ўтказилади.

4.12. Ошхона жиҳозлари ювиш воситаларини қўллаган ҳолда 45 °Cдан кам бўлмаган ҳароратдаги иссиқ сувда ювилиб, оқар сувда чайилади ва маҳсус иссиқ шкафда 10 дақиқа давомида қиздирилиб, заарсизлантирилади. Ошхона жиҳозларини сақлаш кассеталари ҳар куни тозалаш воситаларини қўллаган ҳолда тозаланиб, чайилади ва маҳсус шкафда иссиқ ҳаво ёрдамида 10 дақиқа давомида қиздирилиб, заарсизлантирилади.

4.13. Тоза ошхона идишлари ва жиҳозлари полдан камида 0,5 м баландликдаги шкаф ёки панжараларда сақланади, ошхона жиҳозлари (қошиқ, вилкалар) ушлагичлари юкорига қаратилган ҳолда маҳсус идишларда сақланади, уларни сочилган ҳолда патнисларда сақланишига йўл қўйилмайди.

4.14. Технологик ускуналар кун давомида заруратга қараб ва иш тугаганидан сўнг тозаланади. Ишлаб чиқариш столлари иш яқунида ювиш ва заарсизлантириш воситалардан фойдаланган ҳолда тозаланади, 45 °C дан паст бўлмаган ҳароратдаги иссиқ сувда ювилади

ҳамда қурук, тоза латта билан артилади. Столларни тозалаш учун ишлатиладиган ювиш ва зарарсизлантириш воситалари учун маҳсус белгиланган идишлар ажратилади.

4.15. Тахтакачлар ва кичик ёғоч инвентарлари ошхона идишларини тозалаш бўлими (цехи)да тозалаш воситалари қўшилган  $45^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратдаги сувда ювилиб,  $65^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратдаги сувда чайилади ҳамда устидан қайнот сув қўйилади, сўнгра идиш қуритгичда қуритилади. Тахтакачлар тозаланиб қуритилгандан сўнг бевосита иш жойидаги белгиланган жойда сақланади.

4.16. Чўткалар идишларни тозалаш учун ишлатилгандан сўнг тозаланади, тозалаш воситалари қўшилган  $45^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратдаги иссиқ сувда ивтилиб, дезинфекцияланади (ёки 15 дақиқа мобайнида қайнатилади), оқар сувда ювилиб, қуритилади ва маҳсус қутида сақланади. Могор босган ва кирланган чўткалардан фойдаланилмайди.

Идишларни ювишда мочалкадан, шунингдек, сифатли тозалаш имконини бермайдиган ғовак материалдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4.17. Идишлар ва жиҳозлар эпидемиологик кўрсатмаларга асосан зарарсизлантириш воситаларини қўллаш бўйича йўриқномага мувофиқ зарарсизлантирилади.

4.18. Ойда бир марта барча хоналар, ускуна ва жиҳозлар ялпи тозаланиб, зарарсизлантирилади. Вирусларни йўқ йилувчи (вирулицид) таъсирга эга бўлган дезинфекция воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

4.19. Нон сақланадиган шкафни тозалашда нон ушоқларини полкадан маҳсус чўткалар билан тўплаб тозаланади ва 1% ли сирка кислотаси эритмасидан фойдаланган ҳолда синчиклаб артилади.

4.20. Овқат қолдиқлари қопқоқли идишларда маҳсус ажратилган жойда сақланади. Идишлар камида 2/3 қисми тўлгач бўшатилиб, тозалаш воситаси эритмаси ёрдамида ювилади.

Овқат қолдиқлари ошхона блокининг таом тарқатиш ва ишлаб чиқариш хоналари орқали олиб чиқилишига йўл қўйилмайди.

4.21. Ҳар бир гуруҳ хоналарини (хом ашё цехлари; иссиқ ва совук цехлар, совутилмайдиган омборхоналар; музлатгич камералари, қўшимча хоналар, санитария узеллари) тозалаш учун маҳсус белги қўйилган тозалаш анжомлари ажратилади. Ҳожатхоналарни тозалаш анжомлари маҳсус (қизил) белгига эга бўлиши лозим.

Йиғишириш ишлари тугалланиб, иш вақти ёки сменаси ниҳоясига етгач, барча тозалаш анжомлари ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан тозаланади ҳамда тоза ҳолатда сақланади.

4.22. Тозалаш анжомларини сақлаш учун иссиқ ва совук сув тизими ўтказилган ва чиғаноқ билан жиҳозланган алоҳида хона ажратилади. Бундай хоналар мавжуд бўлмагандан тозалаш анжомлари алоҳида ажратилган жойда сақланади. Ишлаб чиқариш хоналарида тозалаш анжомларни сақлашга йўл қўйилмайди. Ҳожатхоналарни тозалаш учун мўлжалланган тозалаш анжомлари алоҳида сақланади.

4.23. Ҳашарот ва кемирувчиларга қарши қураш тадбирлари гигиеник талаблар асосида дератизация ва дезинсекция ишлари маҳсус ташкилотлар томонидан ўтказилади.

Ҳашаротларнинг киришидан ҳимоялаш учун ошхона хоналарининг эшик ва дераза ромларига сетка тутилади.

4.24. Дератизация ва дезинсекция ишларини бевосита таълим муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

4.25. Таълим муассасаси ошхонасида ўқувчиларга хизмат кўрсатиш даврида таъмирлаш ишларини (хоналарни косметик таъмирлаш, санитар-техник ва технологик ускуналарни созлаш) ўтказилишига йўл қўйилмайди.

## **5-боб. Тўғри овқатланишни ташкил этиш ва намунавий таомномани тузиш бўйича талаблар**

5.1. Ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш учун, овқатланишнинг оптималь сифатли ва миқдорий тузилиши, хавфсизлигининг кафолати, маҳсулотлар ва таомларга технологик ва кулинар ишлов бериш, овқатланиш тартибининг физиологик

асосланганлиги овқатланишнинг таркибий қисми ҳисобланиб, овқатланиш рационини ишлаб чиқиши назарда тутади.

5.2. Ўқувчиларнинг овқатланиш рациони сутка давомида ёки сутканинг маълум бир вақтида болалар овқатланишига мўлжалланган маҳсулотлар таркибини шакллантиришни кўзда тутади.

5.3. Тузилган овқатланиш рациони асосида таомлар рўйхатини тақсимлаш, пазандачилиқ, ун, қандолат ва нон маҳсулотлари билан алоҳида таомланишни (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) ўз ичига олган таомнома тузилади.

5.4. Таълим муассасасининг барча ўқувчиларини соғлом овқатланиш билан таъминлаш учун мазкур санитария қоидаларининг **2-иловасига** мувофиқ 10 кундан кам бўлмаган муддатга ишлаб чиқилган намунавий таомнома шаклида, шунингдек, таомлар рецептураси бўйича маҳсулотларнинг рўйхати кўрсатилган меню-тартибига (меню-раскладка) кўра мазкур санитария қоидаларининг **12-иловасига** мувофиқ намунавий таомнома тузилади.

5.5. Намунавий таомнома йил мавсумини, ўқувчиларнинг ёши, талаб қилинадиган кунлик таом қуввати, асосий озуқа моддаларининг зарурӣ миқдорини ҳисобга олиб тузилади.

Намунавий таомномани тузишда ўқувчиларнинг овқатланишидаги миллий ўзига хоссликлари ҳисобга олинади.

5.6. Намунавий таомномани тузишда ўқувчиларининг таълим муассасасида бўлиш вақти, уларнинг ёши ва жисмоний юкламаси эътиборга олинади.

5.7. Таълим муассасалари ўқувчилари учун икки маҳал (нонушта ва тушлик) иссиқ овқат ташкил этилади. Куни узайтирилган гурухларда таҳсил олувчи болалар учун қўшимча иккинчи тушлик ташкил этилади.

5.8. Умумтаълим муассасаси ўқувчиларининг турли гурухлари учун намунавий таомнома тузишда ўқувчиларнинг ёши ҳисобга олинниб, таомнинг порция вазни мазкур санитария қоидаларининг **3-иловасига** мувофиқ, унинг озуқавий ва энергетик қиймати, асосий витаминалар ва микроэлементларнинг суткалик эҳтиёжи мазкур санитария қоидаларининг **4-иловасининг** 1-жадвалига ва ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари учун мазкур санитария қоидаларининг **4-иловасининг** 2-жадвалига мувофиқ ҳисобга олинади.

5.9. Намунавий таомномага ҳар бир таомнинг миқдорий таркиби, энергетик ва озуқавий қиймати, витамин ва минерал моддаларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот киритилади. Таомлар ва пазандачилик маҳсулотлари мавжуд таом тайёрлаш рецептуралар тўпламига мувофиқ тайёрланади. Намунавий таомномада овқат ва пазандалик маҳсулотларининг номи таом тайёрлаш рецептуралар тўпламидаги номи билан мос келиши керак.

5.10. Таомларни тайёрлаш технологик харита асосида амалга оширилади, унда таом ва пазандалик маҳсулотларини рецептураси ва тайёрлаш технологияси ўз аксини топади. Технологик харита мазкур санитария қоидаларининг **5-иловасидаги** шакл асосида расмийлаштирилади.

Таом тайёрлашнинг технологик жараёни унинг хавфсизлигини ва рецептурага мувофиқ озуқавий қийматини таъминлайди.

5.11. Ўқувчилар учун таомнома ишлаб чиқишида таомларни янги тайёрланиши, совуган таомга қайта термик ишлов берилмаслиги эътиборга олинади.

5.12. Намунавий таомномага бир таом ёки пишириқ маҳсулотлари бир куннинг ўзида такроран ҳамда кетма-кет 2 кун киритилмайди.

5.13. Намунавий таомномада энергетик қийматининг мутаносиб тақсимланиши ҳисобга олинниб, алоҳида бир, икки, уч, тўрт маротаба овқатланишда калориялар мазкур санитария қоидаларининг **4-иловаси** 3 ва 4-жадвалларига мувофиқ фоиз кўринишида берилади.

Калория миқдори ҳар бир овқат учун белгиланган нормадан +- 5 фоиз оралиқ фарқقا йўл қўйилади ва ҳафта давомида ўртacha озуқавий қиймати мос келиши керак.

5.14. Кунлик овқатланиш рационининг оқсил, ёғ, углеводларнинг оптимал озуқавий нисбати 1:1:4 ёки калориянинг фоизлик кўринишида оқсиллар ҳисобига 10 — 15 %, ёғлар

ҳисобига 30 — 32 %, углеводлар ҳисобига 55 — 60 %, кальцийнинг фосфорга нисбати 1:1,5 тарзда бўлади.

5.15. Ўқувчиларнинг овқатланишида пархез тамоилига риоя қилинади. Бунда овқат тайёрлашда қайнатиш, буғлаш, димлаш, қовуриш ва тоблаш хусусиятларига эътибор берилади.

5.16. Кунлик овқатланиш рациони таркиби гўшт, сут, сариёф ва ўсимлик ёфи, буғдой нони (хар бир овқатланишда) киритилади. Балиқ, тухум, пишлок, творог, сут маҳсулотларини икки-уч қунда бир марта бериш тавсия этилади.

5.17. Нонушта салат, иссиқ овқат ва иссиқ ичимлиқдан иборат бўлади. Сабзавот ва мевалар берилиши тавсия этилади.

5.18. Тушлик таркиби салат, биринчи ва икkinchi таом (асосан гўшт, балиқ ёки парранда гўштидан тайёрланган иссиқ овқат) ва ичимлик киради. Салат янги узилган ёки тузланган бодринг, помидор, карам, қизил лавлаги, сабзи, қовоқ ва бошқалар, янги кўкатлар қўшилган ҳолда тайёрланади. Порцияланган сабзавотлар (кўшимча гарнир)дан ҳам фойдаланиш мумкин. Таъмни яхшилаш мақсадида салатга сархил ёки куритилган мевалар: олма, олхўри, майиз ва ёнғоқ қўшиш мумкин.

5.19. Икkinchi тушликда ичимлик (сут, сут маҳсулотлари, кисель, шарбат) билан бирга булочка ёки қремсиз (творогли) қандолатчилик маҳсулотлари тавсия этилади.

5.20. Кечки овқат сабзавотли (сутли) таом ёки бўтқа: икkinchi асосий овқат (гўшт, балиқ ёки парранда гўшти), ичимлик (чой, шарбат, кисель)ни ўз ичига олади. Кўшимча равища мевалар ёки сут маҳсулотлари, булочка ёки қремсиз қандолатчилик маҳсулотлари тавсия этилади.

5.21. Кунлик овқатланиш рациони намунавий таомномага мос келиши шарт. Истисно ҳолатларда бир маҳсулот, таом ва пишириқ маҳсулотлари мазкур санитария қоидаларининг **6-иловасига** мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларининг алмаштириш жадвалига мос келган ҳолларда, икkinchi маҳсулот билан алмаштирилиши мумкин.

5.22. Ҳар куни овқатланиш залига таълим муссасаси раҳбари билан келишилган ва ошхона раҳбари томонидан тасдиқланган таомнинг номи, миқдори кўрсатилган таомнома илиб қўйилади.

5.23. Инфекцион ва оммавий ноинфекцион касалликлар (заҳарланиш) пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олиш учун ҳамда соғлом овқатланиш принципларига мувофиқ таълим муассасалари ўқувчиларининг овқатланиши мазкур санитария қоидаларининг **7-иловасига** мувофиқ тавсия этилган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхатига асосан ташкил этилиши, шунингдек мазкур санитария қоидаларининг **8-иловасида** кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларидан таомлар, пишириқлар тайёрлаш ва истеъмол учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5.24. Таълим муассасалари ошхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёсини қабул қилиш уларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини, шунингдек, тегишли хужжатлари (озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги гувоҳномаси, ветеринария-санитария экспертизаси хужжатлари, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрловчи, етказиб берувчи, уларнинг манбасини тасдиқловчи хужжатлар, гигиеник хulosса ва мувофиқлик сертификатлари, декларация) мавжуд бўлган ҳолдагина амалга оширилади. Маҳсулот сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи хужжатлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг лаборатория текширув натижалари таълим муассасаси овқатланиш хоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари тугагунига қадар сақланади (**16-илюва**).

5.25. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, иссиқ ишлов бериш талаб қилмайдиган хом ашё ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини алоҳида ажратилган маҳсус транспортда амалга оширилади.

Ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун битта транспорт воситасидан фойдаланганда, рейслар орасида транспортни дезинфекция воситаларини қўллаган ҳолда, санитария тозалаш ишлари ўтказилади.

5.26. Таълим муассасасининг ўқув тажриба томорқасида ва боғ участкаларида, иссиқхоналарида, етиштирилган ўсимлик маҳсулотларидан сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи лаборатория-инструментал текширув натижалари мавжуд бўлгандагина овқатланишни ташкил этишда фойдаланилади.

5.27. Ўтган йили етиштирилган сабзавотлар (карам, пиёз, илдизмева ва бошқалар) 1 мартаңдан кейин фақат термик ишлов берилган ҳолатда ишлатилади.

5.28. Таълим муассасалари ўқувчиларининг турли гурухларида бир нафар ўқувчига суткалик тўпламда кўзда тутилган озиқ-овқат маҳсулотларининг меъёрий тўлиқ миқдори 10 кун мобайнида таъминлаб берилади (**9-илованинг** 1, 2-жадваллари).

5.29. Буйрак, жигар, ўт йўллари ёки ошқозон-ичак ўткир касалликларини бошидан кечирган ҳамда сурункали хасталиклари бўлган ўқувчиларга пархез овқатланиш ташкил этилади. Бундай овқатланиш тартибига муҳтоҷ болалар нонушта ва тушликлари уларни зарур асосий ингредиентлар билан таъминлаш асосида тайёрланиб, маҳсулотларга маҳсус ишлов берилади. Балиқ ва гўшт қайнатилади ёки майдаланган ҳолда буғда тайёрланади, ёрма ва сабзавотлар юмшоқ ҳолга келгунича пиширилади ёки бўтқа қилинади. Духовкада таомлар енгил тобланиши мумкин. Маҳсулотлар қовурилмайди. Шўрвалар қайнатма ҳолда тайёрланади.

5.30. Таълим муассасалари ошхоналарида кислородли коктейллари билан савдо қилинмайди.

5.31. Ўқувчиларни кўшимча овқатлантиришни ташкиллаштириш учун тавсия этилаётган маҳсулотлар рўйхати мазкур санитария қоидаларининг **10-иловасида** келтирилган.

5.32. Тез бузиладиган маҳсулотларни сақлаш ва уларни истеъмолга бериш муддатлари **11-иловада** кўрсатилган.

## **6-боб. Ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминланишини ташкил этиш**

6.1. Иссиқ овқат билан таъминлаш пишиши маромига етказилган, порцияларга ажратилган, истеъмол учун тайёр ҳолатга келтирилган иссиқ суюқ ва (ёки) қуюқ таомларнинг тарқатилиши кўзда тутилади.

6.2. Ўқувчиларга синфларга (гурухлар) қараб ўқув тартибига кўра давомийлиги 20 дақиқалик катта танаффусларда иссиқ овқат билан таъминланиши амалга оширилади.

Интернат типидаги муассасаларда ўқувчиларнинг овқатланиши кун тартибига мувофиқ ташкил этилади. Ҳар бир синф (гурух) учун ошхонада алоҳида столлар бириттирилади.

6.3. Ўқувчиларга иссиқ овқат хизматини ташкил этишда столларни аввалдан безатиб тайёрланади ёки тарқатиш лентаси орқали амалга оширилади.

6.4. Ўқувчиларни ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналарига киришига йўл қўйилмайди. Ўқувчиларни овқат пишириш, сабзавотларни арчиш, тайёр таомни сузиш, нон кесиш, идиш товоқ ювиш, бинони йиғишириш билан боғлиқ ишларга жалб этилмайди.

6.5. Лавозим мажбуриятларига кирмайдиган ходимларни пазандачилик маҳсулотларини тайёрлаш, порциялаш ва тарқатишга, ускуна ва идишларни тозалаш ва зарарсизлантиришга жалб этилмайди.

6.6. Ошхонага бегоналар киритилмайди.

## **7-боб. Пазандачилик маҳсулотларини тайёрлаш шароитлари ва технологияларига кўйилган талаблар**

7.1. Овқатланиш муассасаларида озиқ-овқат ҳом ашёсига ишлов бериш ва пазандачилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш умумий овқатланиш корхонларига қўйиладиган санитария қоидалари талабларига мувофиқ ҳамда мазкур санитария қоидалари асосида бажарилади.

7.2. Таомлар, пазандачилик маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлашда тайёр таомларнинг озуқа қиймати ва хавфсизлигини таъминловчи усулларидан фойдаланилади.

7.3. Ярим тайёр маҳсулотлар билан ишлайдиган таълим муассасаси ошхонаси юқори сифатли ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминланади. Бунинг натижасида минимал технологик операциялар орқали таомлар ёки пазандачилик маҳсулотлари тайёрланади.

7.4. Хом ашё маҳсулотлари ва технологик ишлов бериладиган маҳсулотлар учун турли механик ускуна ва инвентарларга вазифасига кўра белги қўйилади. Турли маҳсулотларни қайта ишлаш учун механик ускуналардан (гўшт қиймалагич, арчадиган машина ва ҳоказо), тозалаш жиҳозларидан, ишлаб чиқариш ванналаридан ва шунга ўхшаш инвентарлардан бошқа мақсадда фойдаланилмайди.

7.5. Кўл ювиш чиғаноқларидан, ошхона ва таом учун идишларни ювишга мўлжалланган ванналардан хом ашё (тозаланмаган сабзавотлар, хомгўшт, балиқ ва ҳоказо) ва ярим тайёр маҳсулотларни ювиш учун фойдаланилмайди.

7.6. Гўшт ва товуқ гўштини муздан тушириш (эртиш) ва дастлабки ишлов бериш умумий овқатланиш корхонларининг санитария қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

7.7. Хом гўшт ва паррандага ишлов бериш учун алоҳида стол ва ишлаб чиқариш ускуналари ажратилади.

7.8. Музлаган балиқлар ишлов бериш столларида ёки  $+12^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратдаги бир литрига 7 — 10 грамм туз қўшилган сувда эритилади. Балиқ ва филеси оқар сувда эритилмайди.

7.9. Муздан туширилган гўшт, балиқ, парранда ва ярим тайёр маҳсулотлар қайта музлатилмайди, бирламчи ишлов берилгандан сўнг термик ишлови берилади. Эритилган (дефростация) маҳсулотлар сақланмайди.

7.10. Сабзавотларга бирламчи ишлов бериш саралаш, ювиш ва тозалашни ўз ичига олади. Тозаланган сабзавотлар оқар ичимлик сувидаги 5 дақиқадан кам бўлмаган вақтда, кичик партияларда тешикли идишдан фойдаланиб, қайта ювилади. Карамни тозалашда 3-4 қават устки баргларини олиб ташланади.

7.11. Мевалар, жумладан цитрус мевалар сабзавот цехида бирламчи ювилади, сўнгра совуқ цехдаги ваннада қайта чайилади.

7.12. Тухумларга ишлов бериш алоҳида хонада ёки гўшт-балиқ цехининг маҳсус ажратилган жойида амалга оширилади. Бу мақсадда белги қўйилган ванна ва идишлардан фойдаланиллади; Тешикли (перфорированний) идишлардан фойдаланиллади. Тухумларга ишлов бериш уларни қўйидагича тайёрланган эритмада тўлиқ бўқтириш шароитида ўтказилади:

I — 1-2% кальцийли соданинг иссиқ сувдаги эритмасида ишлов берилади;

II — 0,5% хлорамин ёки белгиланган тартибда рухсат этилган дезинфекция воситалари эритмасида ишлов берилади;

III — камида 5 дақиқа давомида оқар сувда чайиб, сўнгра белги қўйилган тоза идишга олинади.

7.13. Ёрмалар таркибида бегона аралашмалар бўлмаслиги шарт. Фойдаланишидан олдин ёрмалар оқар сувда ювилади.

7.14. Якка ўрамдаги консерваланган маҳсулотларнинг идиши оқар сув билан ювилиб, латта билан артилади.

7.15. Озиқ-овқатлар, мевалардаги витаминаларни сақлаб колиши максадида сабзавотлар тозаланиб, тузли сувда қайнатилади (лавлагидан ташқари). Арчилган ҳолатдаги картошка ва бошқа сабзавотларни 2 соатдан ортиқ вақт мобайнида сақланмайди. Салат учун қайнатилган сабзавотлар совуткичда  $+2 +4^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 6 соатгача сақланади.

7.16. Арчилган картошка ва бошқа сабзавотлар қорайиб, куриб қолмаслиги учун совуқ сувда 2 соатгача вақт мобайнида сақланади.

7.17. Салат учун мўлжаллаган хом сабзавотлар ва кўкатлар 3% ли сирка кислотаси ёки 10% ли ош тузи эритмасида 10 дақиқа давомида сақланиб, оқар сувда чайилади.

7.18. Таомлар ва пиширикларни фритюрда қовуришга йўл қўйилмайди. Ярим тайёр маҳсулотларни қовуришда материаллар хавфизлиги талабларига мос, ёф (мой) лашни талаб этмайдиган маҳсус қопламали идишлардан фойдаланиллади.

7.19. Озиқ-овқат маҳсулоти ёки маҳсулотлар аралашмасидан пазандачилик маҳсулотини маромига етказиб тайёрлашда қуидагиларга амал қилинади:

қайнатилган гүшт, парранда ёки балиқдан иккинчи таомни тайёрлашда ёки биринчи таомларга қўшиб берилганда бўлакланган гүштга шўрвада 5 — 7 дақиқа давомида қайта термик ишлов берилади;

биринчи овқатлар учун бўлакларга ажратилган гүшт дастурхонга тортиш олдидан мартитда ёки иссиқ газ плитасида 1 соатгача сақланади;

таом таркибиغا кирувчи масаллиқлар қўл билан аралаштирилмайди, бунинг учун ошхона жиҳозларидан фойдаланилади;

картошка (сабзавот)ли пюре тайёрлашда электр механик ускуналардан фойдаланилади;

гарнир ва бошқа таомларга қўшиладиган сариёғ қайнатиб берилади;

тухум сув қайнагач 10 дақиқа давомида пиширилади;

тухум алоҳида таом сифатида ва таомлар таркибида қўшимча маҳсулот сифатида тайёрланади;

таркибида тухум бўлган омлет ва запеканкалар духовкада тайёрланади, қалинлиги 2,5 — 3 смдан ортиқ бўлмаган омлетлар 180 — 200 даражали ҳароратда, 8 — 10 дақиқа давомида, қалинлиги 3-4 смдан ошмайдиган запеканкалар эса 20-30 дақиқа давомида, 220 — 280 даражали ҳароратда пиширилади;

тухумли масаллиқ (масса)нинг +2 +4 °C ҳароратда 30 дақиқагача сақланади;

гуруч ва макарон маҳсулотларидан тайёрланадиган гарнирлар катта ҳажмдаги сувда (1:6 дан кам бўлмаган нисбатда) қайнатилади, қайнатилган маҳсулотлар чайилмайди.

7.20. Тайёр биринчи ва иккинчи таомлар мартит ёки қайноқ плитада ёхуд изотермик идишлар (термослар)да тайёрланиш вақтидан бошлаб 2 соатгача сақланади. Совиб қолган тайёр таомлар иситилмайди.

7.21. Иссиқ таомлар (шўрва, соус, ичимликлар) тарқатилиш вақтида ҳарорати 75 °C дан паст бўлмаслиги, иккинчи таом ва гарнирларнинг ҳарорати 65 °C кам бўлмаслиги, совуқ шўрва ва ичимликларнинг ҳарорати эса 14 °Cдан ошмаслиги белгиланган.

7.22. Яхна салатлар порцияланган ҳолда +2 +4 °C ҳароратдаги совутиладиган пештахта ёки растага жойлаштирилади ва бир соат ичидаги тарқатилади.

7.23. Янги кўкатлар таомга тарқатиш олдидан солинади ва 5 дақиқа қайнатилади.

7.24. Салатларни тайёрлаш ва тузлаш бевосита дастурхонга тортиш олдидан амалга оширилади. Салатларга сметана, майонез ва сирка кислотаси қўшилмайди.

7.25. Таълим муассасаларининг овқатланиш хоналарида озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчи томонидан белгилаб қўйилган ва маҳсулотларнинг зарарсизлиги, сифати ҳамда келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатларда қайд этилган яроқлилик муддати ва сақлаш шароитларига амал қилинади.

## **8-боб. Витамин ва микроэлементлар танқислигини олиш талаблари**

8.1. Намунавий таомномани тузишда овқатланиш рациони орқали мазкур санитария қоидаларининг **4-иловасида** белгиланган витамин ва минерал тузларнинг кириб келишини ҳисобга олиш зарур.

8.2. Витаминларга бўлган табиий эҳтиёжни қондириш учун овқатланиш рационини қўшимча равишида таркибида витамин ва минерал тузлар бўлган микронутриентлар билан бойитишига руҳсат берилади.

8.3. Рационни қўшимча равишида микронутриентлар билан бойитиши учун таомнома таркибида микронутриентларни сакловчи маҳсус озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, витаминлаштирилган инстант ичимликларни киритиш ва учинчи таомларни маҳсус витаминли-минерал аралашмалар билан витаминлаштириш тавсия этилади.

8.4. Таомларни витаминлаштириш жараёни тиббиёт ходими (у йўқ бўлган ҳолда бошқа масъул шахс) назорати остида амалга оширилади. Витаминлаштирилган таомни иситиш тавсия қилинмайди. Учинчи таомни витаминлаштириш кўрсатмаларда белгиланган аралашма (премикс) лардан фойдаланиш тартибига кўра амалга оширилади. Инстант

витаминли ичимликлар белгиланган фойдаланиш тартиби асосида, бевосита истеъмол қилишдан олдин тайёрланади.

8.5. Рационни қўшимча равишда микронутриентлар билан бойитиш жараёнида микронутриентларнинг аниқ микдори ҳисобга олиниши шарт.

8.6. Таомларни витаминлаштириш ўрнига драже, таблетка, пастилка ёки бошқа кўринишдаги поливитамин препаратларни кўллаш мумкин эмас.

8.7. Таълим муассасаси раҳбарияти муассасада витамин ва микроэлементлар танқислиги бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ота-оналарни хабардор қилиши шарт.

### **9-боб. Ичимлик режимини таъминловчи ташкилотларга талаблар**

9.1. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг марказлашган сув таъминоти тизимларидаги сув сифатини белгиловчи гигиеник талабларга мос тоза ичимлик суви билан таъминланishi кўзда тутилиши керак.

9.2. Таълим муассасидаги ичимлик режими куйидаги шаклларда ташкил этилиши керак: стационар сув ичиш фавворачалари, идишлардаги кайнатилган сув ва қадоқланган сув ҳолатида.

9.3. Ўқувчилар таълим муассасасида қоладиган вакт мобайнида улар сувдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

9.4. Станционар ичимлик фавворачалари 10 см дан кам бўлмаган вертикал сув оқими атрофида чегаралаб турувчи доиранинг бўлишини ҳам кўзда тутилиши керак.

9.5. Агар ташкилот идишдаги сув орқали ичимлик режимини ташкил этса, у етарли микдордаги тоза идишлар (ошхонада — чинни, фаянс, ўкув ва ётоқ хоналарида — бир марталик стаканлар), шунингдек, тоза ва ишлатилган чинни ёки фаянс идишлар учун алоҳида патнислар билан таъминланган бўлиши шарт. Бир марталик идишларни тўплаш учун маҳсус контейнерлар бўлиши керак.

9.6. Таълим муассасасига келтириладиган қадоқланган сувнинг сифати ва хавфсизлиги ҳақидаги хужжати бўлиши шарт.

### **10-боб. Кичик комплектли таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиши талаблари**

10.1. Кичик (50 нафаргача ўқувчиси мавжуд бўлган) таълим муассасаларида овқатланишни ташкилаштириш учун хона сонини биттагача қисқартирилиши мумкин.

10.2. Озиқ-овқат истеъмол қилиш хоналари икки зонали бўлиши мақсадга мувофиқ:

- 1) технологик жиҳозлар жойлаштириладиган хона — ювиш, музлаткич кабилар;
- 2) овқат истеъмол қилинадиган хона.

Минимал тарзда куйидаги жиҳозлар жойлаштирилиши мумкин: духовкали электр плитаси, уни устида тортма шкаф ўрнатилган ҳолда, музлаткич, электр сувиситгич, 2 та секцияли идиш ювиш чаноги, таом истеъмол қилиш хонасида қўл ювиш чиганоги, иссиқ ва совуқ сув, қўл ювиш чаногининг қувури канализацияга уланган бўлиши шарт. Кўлни ювиш учун совун, электр қўл қуритгич ёки бир марталик сочиқ билан таъминланади.

### **11-боб. Ошхона ходимлари фаолиятини ташкил этиши талаблари**

11.1. Таълим муассасидаги ўқувчиларнинг овқатланишини таъминловчи ишчилар ўз фаолиятида гигиена қоидаларига амал қилишлари шарт.

Ошхона ходимларининг майший хоналари амалдаги умумий овқатланиш корхонларининг майший ва маъмурий хоналари учун санитария қоидалари ва нормалари асосида ташкил этилади.

11.2. Таълим муассасаларининг овқатланиш хонасини ташкил этишда унинг микроиқлим кўрсаткичлари, кондиционер ишлатилиши ва вентилятор ишлатилиши каби ҳолатлар инобатга олиниши керак.

11.3. Таълим муассасаларининг овқатланиш жойларида иш зonasи ҳавосидаги заарли моддаларнинг концентрацияси белгиланган нормадан ошмаслиги шарт.

11.4. Хоналарнинг табиий ва сунъий ёритилиши гигиеник талабларга мос бўлиши керак.

11.5. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқиннинг даражаси жамоат овқатланиш ташкилотлари учун белгиланган гигиеник нормалардан ошиб кетмаслиги лозим.

## **12-боб. Таълим муассасалари овқатланиш ошхоналари ходимлари томонидан шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, профилактик тиббий кўрикдан ўтиш ва касбий гигиеник тайёргарликка қўйиладиган талаблар**

12.1. Таълим муассасаларида ўқувчилар ўргасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида ходимлар томонидан шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши учун ошхонада шароитлар яратилиши керак.

12.2. Кўл ювиш учун барча ишлаб чиқариш цехларида иссиқ ва совук сувлар ўтказилиши, уларни аралаштириш мосламаси бўлган чаноқлари ўрнатилиши керак. Алоҳида совун ва шахсий ёки бир марталик сочиқларни қўядиган жой бўлиш керак. Ишлаб чиқариш ванналарида қўлларни ювиш мумкин эмас.

12.3. Ошхонанинг ҳар бир ишчиси уч комплектдан кам бўлмаган миқдорда (мунтазам алмаштириш мақсадида) махсус иш кийими (халат ёки куртка, фартук, шим, бош кийим, енгил сирпанчик бўлмаган оёқ кийим) билан таъминланиши керак.

12.4. Овқатланиш ошхоналарида ходимлар учун мўлжалланган махсус иш кийимларни марказлашган ҳолда ювишни ташкил қилиш керак.

12.5. Ошхона ишчиларининг мажбуриятлари:

иш жойига тоза ва озода кийим ва оёқ кийимда келиш;

маиший хонада устки кийим-бош, шахсий нарсаларни қолдириш;

иш бошлашдан олдин, ҳожатхонага бориб келгандан сўнг, шунингдек ҳар сафар иш фаолиятини алмаштирганда қўлни совун билан тозалаб ювиш;

тирноқларни тақаб олиб ташлаш;

овқат, пазандалик ва қандолат маҳсулотларини тайёрлаш жараёнида барча тақинчоқлар, соат ва бошқа синувчан нарсаларни ечиб қўйиш, тирноқларни лак билан бўямаслик, махсус кийимни тўғноғич (булавка)лар билан қадамаслик керак;

махсус тоза иш кийимида ишлаш, уни кир бўлиши билан алмаштириш;

соchlарни шапкача ёки рўмол тагига олиш;

махсус иш кийимида қўчага чиқиш ва ҳожатхонага бориш таъқиқланади;

иш жойида овқатланиш ва чекиш қатъяян маън этилади.

12.6. Гардеробларда персоналнинг шахсий буюмлари ва оёқ кийими махсус кийимдан алоҳида сақланиши керак (шахсий шкафда).

12.7. Тухумларни қайта ишлаб бўлгандан сўнг, уларни бўлишдан аввал, бу ишни бажарадиган ишчилар тоза иш кийим кийишлари шарт, қўлни совун билан ювиб, рухсат этилган дезинфекция воситаси билан тозалаш керак.

12.8. Шамоллаш ёки ошқозон-ичак касалликлари безовта қилганда, ўз оиласида ичак инфекциялари билан касалланган барча ҳолатларда, шунингдек, йирингли яралар, кесилишлар, куйишлар ҳакида ишчи маъмуриятни огоҳлантириши керак ва тиббий ёрдам учун мурожат қилиши лозим.

Ичак инфекциялари, терининг йиринглаши, юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликлари бўлса, бирор жойи куйган ёки кесиб олган бўлса, вақтинча ишга қўйилмайди. Фақат тузалганидан сўнг, тиббий кўрик ва шифокор хulosасига қараб ишлашига рухсат берилади.

12.9. Ҳар бир ходим белгиланган намунадаги шахсий тиббий китобчасига эга бўлиши керак, унга тиббий кўриклар ва лаборатория таҳлиллари натижалари, юқумли касалликлар ҳакида маълумотлар, касбий гигиеник тайёргарлик тўғрисидаги белгилар киритилади.

12.10. Ошхона биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун аптечка билан таъминланиши зарур.

## **13-боб. Санитария қоидаларига риоя қилишга қўйиладиган талаблар**

